

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (11.210)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Республикаимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Вобкент туманида янги бозор фойдаланишга топширилди. Ушбу кутлуғ санага бағишланган тўман ҳудудида яна бир нечта объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилмоқда. Жумладан, янги ўқув йилида етти юздан ортиқ 9-синф битирувчилари учун Кумушкент шаҳарчаси ҳудудида жойлашган янги педагогика коллежи ўз эшикларини очади.

● «1-механизациялашган кўча карвон» МЧЖ курувчилари Фарғона шахрининг Навоий кўчасидаги 16 та хонадонга мўлжалланган иккита корпусдан иборат «Ешлар уйи»да жуда қисқа муддатда қурилиш ишларини якунлашмоқда. «Ешлар йили» Давлат дастури асосида бунёд этилаётган ушбу иншоотда тез орада 32 ёш оиланинг ҳовли тўйлари ўтказилади. Бу жамият курувчиларининг Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги байрамга муносиб тўхфаси бўлади.

● «Фуқаролар йиғини кенгашининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчиси» кўрик-танловининг Жиззах вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда 13 нафар маслаҳатчи ўзаро куч синашди.

● «Совпластитал» ОАЖ бош директори Александр Мелкумов Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг энг юқори мукофоти — «Буюк ихтирочи» олтин медалини соҳиби бўлди. Таъкидлаш кераки, А. Мелкумов интеллектуал мулкка доир 750 дан ортиқ ҳужжатларнинг муаллифи бўлиб, улар орасида 97 та ихтиро учун патентлар ва 400 дан ортиқ санат намуналари учун патентлар бор.

● Қорақалпоғистоннинг Чимбой туманида гўза зараркуналдаларига қарши самарали курашиш мақсадида янги биофабрика ташкил этилди. Биофабрика томонидан ҳудуддаги жами 150 фермер хўжалиги билан шартнома асосида 1570 гектар гўза ва 1338 гектар бугдой далаларига биологик усулда ишлов берилди.

● Қарши шаҳрида аёллар жамоалари ўртасида пляж футбол буйича навбатдаги Ўзбекистон чемпионати якунланди. Унда Қаршининг «Севинч» жамоаси яна бир бор мамлакат чемпионлигига эришди.

● Андижон вилоятида илк бор ёш ошпазлар ўртасида «Чўнтақда палов» кўрик-танлови ўтказилди. Тадбир доирасида Асака шаҳридаги истироҳат боғининг барча чойхоналарида қизиқарли концерт дастурлари намойиш этилди. Танлов сўнггида ёш ошпазларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Самарқанд вилояти марказий шифохонлари лаборатория мудириларининг «ҚВПда анализаторларни қўллаш ва улардан фойдаланиш» мавзусидаги семинари Қўшрабат тумани марказий шифохонасида бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Европа парламентининг энг йирик фракцияси «Европа халқ партияси» — европалик демократлар раҳбари Жозеф Дол Европа Иттифоқига доир Лиссабон шартномаси Италия парламенти томонидан ратификация қилинганини маъқуллади. 2009 йил январь ойида кучга кириши кутилаётган мазкур шартномани Швеция, Чехия ва Ирландиядан ташқари иттифоққа аъзо 24 та давлат ратификация қилган.

● Сербия Президенти Борис Тадич мамлакатнинг Гаага трибунали билан жисп ҳамкорликда фаолият юритиш орқали ўз нуфузини оширатганлигини таъкидлади.

● Кеча Россия ташқи ишлар вазирлиги Грузия ва Жанубий Осетия ўртасида уруш чиқиш хавфи мавжудлигини қайд этди. Таъкидлаш жоизки, сўнгги икки кун ичида Грузия ва Жанубий Осетия ўртасида можаро чиққан ҳудудни 2.500дан ортиқ киши тарк этган.

● Мексика полицияси 2001 йилдан буён қидирувда бўлган колумбиялик йирик наркобарон Эвер Виллафан Мартинезни қўлга олишга муваффақ бўлди. Маълумотларга кўра, Мексика ҳудудидаги гўёванд моддаларнинг олди-сотдилари унинг раҳбарлиги остида уюштириб келинган. Полиция Мартинезни ҳибсга олган вақтда унинг ёнида ноқонуний қурол ҳам бор эди.

● Ироқ Аккос ҳудудида жойлашган 7 та нефть кудугини ишга тушириш учун хорижий компаниялар ўртасида танлов эълон қилди. Танлов натижалари сентябрь ойининг ўрталарида маълум бўлади.

● Тайвань илк бор Олимпиада мусобақаларида мустақил равишда Хитой Тибетий жамоаси сифатида иштирок этади.

● Нигериянинг жанубий қисмида жойлашган нефтни қайта ишлаш корхонаси атрофида қуролли кишилар томонидан иккита француз фуқароси ўғирлаб кетилган.

● Хитойнинг Хэнань музофотидаги кўмир қонида бахтсиз ҳодиса рўй берди. Яъни, Хэнань музофотидаги шахтада газ портлаши оқибатида 14 киши ҳалок бўлган ва 11 нафар ишчи ер остида қолиб кетган.

● Химолай тоғида қор кўчиши натижасида тепага кўтарилаётган 9 та альпинист ҳаётдан қўз юмган, учтаси эса бедарак йўқолган.

● АҚШдаги Навахо хиндулар қабиласи кенгаши чекишни тақиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Энди жамоат жойларида чекиш қатъиян ман этилади, тамаки маҳсулотлари савдоси кучли назорат остига олинади. Қонуний бузганларга юз АҚШ долларидан икки юз долларгача миқдорда жарима солинади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН 2008 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ СТРАТЕГИК ТАРМОҚЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШГА ДОИР МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРЛАРИНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА КЕНГ КЎЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИ НАТИЖАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ БАҲАРАҚОР ЎСИШИ МУСТАҲҚАМЛАНДИ.

I. Макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодиётнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

2008 йилнинг иккинчи чорагида шу йилнинг биринчи чорагига нисбатан иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари жадаллашди ва бу биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,3 фоизга кўпайишини таъминлади. Улаштирилган инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қўлай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омил бўлди. Етақчи санат тармоқларини техник ва технологик модернизация қилишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар санат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг юқори суръатини сақлашга ёрдам берди ва бу кўрсаткич 12,2 фоизни ташкил этди. Фаол ташқи савдо сиёсати экспорт ҳажмини 48,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодий юксалиш аҳоли реал пул даромадларининг 23,4 фоизга кўпайиши тўғрисида яқин талаб, жумладан, истеъмол молларига бўлган талабнинг ошиши билан қўллаб-қувватланди. Бу истеъмол товарларининг 16,6, чакана савдо айланмасининг 14,4 ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатишнинг 18,9 фоизга ўсишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2007 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	2008 йилнинг 1-ярми
Ялпи ички маҳсулот	109,3
Санат маҳсулотлари ҳажми	112,2
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	116,6
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	105,4
Асосий капиталдаги инвестициялар	119,8
Қурилиш ишлари	109,1
Чакана савдо айланмаси	114,4
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	118,9

Ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан эришилди. Бунда қуйидагилар асосий омил бўлди: 1. Давлат бюджетининг мувозанатланганлиги. Давлат бюджети даромадлари жорий йил биринчи ярим йиллигининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди, профитит эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. Бизнесга солиқ юкнини камайтиришга доир қўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор корхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида даромад солиғи бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,6 фоиз, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови эса 36 фоизга ўсди. (Давоми 2-бетда).

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир



Учтепа тумани:

Аҳоли фаровонлигини кўзлаб



АЙНИ КУНЛАРДА ҚИРҚ ЙИЛЛИГИНИ НИШАОНЛАЁТГАН УЧТЕПА ТУМАНИ МУТАХАССИСЛАР ТИЛИДА «ҚЎНИМ ТОПГАН МАНЗИЛ» ДЕЯ ТАЪРИФЛАНДИ. АҲОЛИ ОРАСИДА ЭСА «ФАРОВОНЛИК БЕКАТИ» ДЕГАН ИБОРА КЎП ҚЎЛЛАНИЛАДИ.

киши ишга олинган. Бир йил аввал бу ерда икки қарилли йўлга қўйилди. «Вимм Билл Данн-Тошкент» хорижий корхонаси брендлари ҳам шахримиз аҳолиси ҳаётига кириб улгурди. Уч йил аввал ўз фаолиятини бошлаган ушбу корхона бугунги кунда пойтахтликларнинг сифатли сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириши билан бирга 200 га яқин маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаган.

«Кўргонтепа» ва Журжоний номидаги маҳаллалар ҳудудида «Муруват текс» шўба корхонасининг иккита янги тикув шохчасининг ишга туширилиши натижасида 500 га яқин кишининг бандлик масаласи ҳал этилди.

Юқорида қайд этилган корхоналар иштирокида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигиде санат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши 122 фоиз, халқ истеъмоли моллари — 108 фоизга тенг бўлиб, республикадан ташқари 105,6 фоиз ҳажмда

товарлар экспорт қилинди. Жорий йилнинг январь — июнь ойлари давомида туманда 2700 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. 650 киши уй шароитида иш билан банд бўлишга доир шартномага эга бўлди. Йил якунигача бу ерда 25 тадан зиёд маънавий мажмуа, иккита санат корхонасининг ишга туширилиши кутилмоқда. Бу дегани яна 500 га яқин аҳолининг меҳнат билан банд бўлишига эришилади. (Учтепа туманига бағишланган мақолаларни газетанинг 3-саҳифасида ўқийсиз)

Ушбу тушунчаларнинг пироварди маъноси турлича талқин қилинсада, шуни тан олиш кераки, Учтепа туманида ишлаб чиқариш имкониятлари доираси анча тор. Шунга қарамасдан, иқтисодий ривожланиш масалаларида туман ўз йўлини тнлаб олган.

Бу ерда айниқса хизмат кўрсатиш соҳаси кун сайин такомиллашиб, кенгайиб бормоқда. Бунга қуйидаги рақамлар ҳам мисол бўла олади. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигиде ўтган даврга нисбатан иқтисодиётнинг ушбу устувор йўналиши бўйича амалга оширилган сай-ҳаракатлар натижасида соҳа тармоқларининг ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси ўн фоизга кўпайди. Янги очилган ижтимоий-маданий-маиший объектлар ҳисобига қўшимча 1178 та иш ўринлари яратилган.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш йўналишидаги фаолият ҳақида гап кетганда, иқтисодчилар томонидан бу борада Учтепа тумани ҳаттоки шаҳар миқёсида ҳам «об-ҳаво» қилиш имкониятига эга деган фикр билдирилади. Чунончи, «Чевар» ёпиқ акциядорлик жамияти пойтахтда қасаначилар меҳнатидан самарали фойдаланаётган етақчи корхона ҳисобланади (бу ерда кейинги пайтда уй шароитида юздан зиёд

киламчи хом ашёни қайта ишлаш жараёни йўлга қўйилиб, янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга эришилди. Хозирги кунда эса корхона жамоаси яна бир янги лойиҳа — тўқимачилик фабрикасини ташкил этиш бўйича биринчи бос-



ичдаги ишлар билан машғул. Яқин келажақда «Чевар» ўз имкониятларидан келиб чиқиб тўқилган мато асосида тайёр момик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни бошлади. Тўқимачилик корхонаси тўлиқ қувватда ишга туширилиши билан минг кишига мўлжалланган иш ўринлари яратилиб, шундан 75 фоиз касаначиликка йўналтирилади. «Электроизолит» қўшма корхонасида шу йилнинг ўзида тўрт хил қурилиш индустриясига оид янги маҳсулот турлари ишлаб чи-

Қисқа сатрларда

● **ЎТГАН** куни шахримизда Ўзбекистон экологик ҳаракати жамоат бирлашмасининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.
 ● **ЎТГАН** куни Хитой пойтахти Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарофтини химоя қиладиган Ўзбеки-

стон терма жамоаси аъзолари Мустақиллик майдонидаги «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гулчамбар қўйишди. Олимпиада шон-шухрати музейида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари билан учрашув уюштирилди.
 ● **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Бўстон» маҳалласида маҳалла фаоллари, ёшлар иштирокида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.
 ● **ЎЗБЕКТЕЛЕФИЛМ** кино-

студияси ижодкорлари томонидан «Тул тақдирлари» сериали устида қизгин иш олиб бориляпти.
 ● **ЎТГАН** куни Темирйўлчилар маданият саройида «Ўзбекистон темирйўллари» Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан ўтказилган тадбир 3 август — Халқаро темирйўлчилар кунига бағишланди.
 ● **ШАХРИМИЗДА** чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона

фаолият бошлади.
 ● **ШАХРИМИЗ** тадбиркорлари иштирокида уюштирилган тадбир «Ёш тадбиркор — элга мададор» деб номланди.
 ● **МИРЗО** Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети раҳбарияти Ешлар йилида талабалар учун яна 8 та йўналишда ўқув жараёнида олиб борилиши маълум қилди.

● **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида жорий йилдан тарих ва маънавият бўйича янги йўналиш ташкил этилди.
 ● **АЙНИ** кунларда баскетбол бўйича Европа ва Испания чемпион Елена Турикова Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларида баскетбол бўйича сабоқ бермоқда.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

2.Пул бозоридаги мувозанат ва миллий валютанинг барқарорлиги. Инфляцияга қарши юритилган фаол сиёсат ва истеъмол бозорининг зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдирилиши натижасида инфляция жараёнлари секинлашди. Пул массаси ва сўм айирбошлаш курсининг ўзгариши белгиланган параметрлардан ошмади. Аҳолининг банклардаги депозитлари 19,3 фоизга кўпайди. 3. Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги ва ташқи савдонинг юқори иқобий сальдо-си. Бунга экспортнинг юқори суръатда ўсиши, жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (1,6 марта), машиналар ва ускуналар (116,2 фоиз), кимё маҳсулотлари (148,0 фоиз), хизматлар (125,8 фоиз) ҳисобидан эришилди.

II. Таркибий ўзгаришларни давом эттириш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш

Биринчи ярим йилликда Инвестиция дастури аналга ошириш таркибий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам берди ва мамлакатимиз ҳамда хорижий сармоядорлар учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилди. Барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 3713,1 миллирд сўми ёки 2007 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда 119,8 фоизни ташкил қилди. Инвестициялар умумий ҳажмининг ошishi асосида тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар миқдори 31,2 фоизга ўсди. Тикланиш ва тарққийет жамғармаси маблағлари ҳисобидан 88,4 миллион доллар ёки 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 4,9 марта кўп маблағ ажратилди. Капитал қўйилмалар умумий миқдорининг қарийб 70 фоизи ишлаб чиқариш соҳасига йналтирилди.

Жорий йилнинг ҳисобот даврида 185 йриқ ва кичик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, озиқ-овқат сан-атиди макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (75), енгил ва тўқимачилик тармоғида калава, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари, пойаб-зал ишлаб чиқариш, шойи ва толани қайта ишлаш бўйича (28), қурилиш материал-лари сан-атиди девор қуриш учун мўлжалланган материаллар, пластик ро-лар, эшиклар, шифер, рубероид ва бо-шқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чи-қариш бўйича (46) объект ишга туширил-ди.

2008 йилнинг биринчи ярмида 3,5 миллиард куб метр газ ишлаб чиқариш қувватига эга "Помиқ" компрессор стан-цияси, "Нексия-2" енгил автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаш-тириш, "Жиззах платмасса" очик акция-дорлик жамиятида диаметри 315-630 милли-метр бўлган полистилен қувурлар иш-лаб чиқариш, "Кувасой қурилиш" масъу-лиятли чекланган жамиятда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, "Тагус тек-стиль", "Пойтутекс", "Сиркежи Тошкент текстиль" кўшма корхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари ниҳоясига етказил-ди.

Жорий йил бошидан буён 51 та дота-ция ҳудудида 87 кичик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди ва бу 2100 на-фардан ортик кишини иш билан таъмин-лаш имконини берди.

Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дасту-рларини амалга ошириш давомида уску-налар етказиб бериш ва қурилиш иш-ларини амалга ошириш учун 341,2 милли-он доллар ажратилди. Бу борада 29 ин-вестиция лойиҳалари, жумладан, авто-мобил сан-атиди 9, енгил ва тўқимачилик соҳасида 7, фармацевтика сан-атиди 5, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5, кимё сан-атиди 2 ва метал-лургия сан-атиди битта лойиҳа ниҳояси-га етказилди.

Ўқорида кайд этилган лойиҳаларни амалга ошириш натижасида енгил авто-мобиллар ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,8 фоизга ошди. "Ўзфармсан-ат" давлат акция-дорлик компанияси корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари 68,1 фоиздан 72,5 фоизга ошдирилди, доривор препарат-лар экспорт 1,5 баравардан ошди. Тех-ник чигитни қайта ишлаш туфайли тоза-ланган пахта ёғи олиш (17,94 фоиз-дан 18,54 фоизгача) ва тозаланган пахта ёғи олиш (87,82 фоиздан 88,55 фоиз-га) кўпайди. Бунинг натижасида қўши-м-ча 4,8 минг тонна тозаланган ёғ олишга эришилди.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш ва реконструкция қилиш тадбирлари доирасида янги ишлаб чи-қаришларни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ҳисобот даврида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, электр узатиш ли-нияларини ривожлантириш, темир йўл участкаларини, сув ҳамда газ таъминоти тизимларини электрлаштиришга доир чо-ралар қўрилди. 500 кВ қувватга эга Сир-дарё ИЭС - "Суддиёна" кичик станцияси ва "Янги-Ангрен ИЭС-Ўзбекистон" юқори

кучланишли линияларни (жорий йилнинг июнида юқори кучланишли линия вақ-тинчалик схема бўйича 220 кВ токка улан-ди) қуриш, "Тошкент-Ангрен" темир йўл участкасини электрлаштириш бўйича лой-иҳалар амалга оширилди. 847 километр сув қувири ва 418 километр газ узатиш тармоқлари, 160 километр узунликдаги таъмирланган халқаро ва давлат аҳамия-тига эга умумий фойдаланиш автомобиль йўллари ва узунлиги 80 погон метр 5 та кўприк фойдаланишга топширилди.

Қайта ташкил этиш ва молиявий со-ғломлаштириш дастурларини амалга оши-риш натижасида 579 та корхонанинг 373 тасида (корхоналар умумий сонининг 64 фоизи) ишлаб чиқариш ва молиявий фа-олият кўрсаткичларининг яхшиланиши ку-затишмоқда. 242 та корхона ўтган йилга нисбатан ойлик ўртача ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиш ҳажмини 20 фоиздан кўпроққа оширди, 119 та корхонада иш-лаб чиқаришни реконструкция қилиш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ушбу корхоналарда 2784 иш ўрни яратилди ва қайта тикланди.

2006-2008 йилларда қайта ташкил эти-лаётган корхоналарнинг фойдаланилма-ётган қувватлари негизда 103 та янги, жумладан, ҳисобот даврида 19 та корхо-на ташкил этилди. Қайд этилган мазкур корхоналарнинг 87 тасида ишлаб чиқари-ш йўлга қўйилди ва 4 минг нафардан ортик киши иш билан таъминланди.

Ривожлантириш ва техник модернизация қилиш дастурларининг амалга оширилиши сан-ат ишлаб чиқаришини 12,2 фоизга оши-риш имконини берди. Бунда юксак ўсиш суръатлари машинасозлик ва металлчи қайта

IV. Аҳоли бандлиги даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналиши бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш

Кичик бизнесни янада ривожлантириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2008 йилнинг 6 ойи мобайнида рўйхатга олин-ган кичик тадбиркорлик корхоналари сони шу йилнинг бошидагига нисбатан 2,9 фоиз ўсди ва 434,5 мингтани ташкил этди. Бунда рўйхат-га олинган кичик корхоналар умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатаётган корхоналар улushi 0,7 фоиз ошди ва 93,5 фоизни таш-кил этди.

Фаолият юритаётган кичик бизнес корхо-налари сони сан-атда 4,1, қурилишда - 6,7, транспорт ва алоқа соҳасида - 14,2, бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида 6,7 фоиз ўсди. Янги ички маҳсулотда кичик бизнес улushi 2007 йил биринчи ярмидаги 38,1 фоиздан 40,2 фоизгача ошди.

2008 йилнинг биринчи ярмида кўрсати-ган хизматлар ҳажми 19 фоиз ўсди, ялпи ички маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳасининг сал-моғи ўтган йилнинг шу давридаги 42,8 фоиз ўрнига 44,7 фоизни ташкил этди. Аҳолиот тўқимачиликнинг фойдаланиш, молиявий капитални тўплаш ва кредит-тўлов тизимини ривожлантириш-ни қулайитришга асосланган за-монавий хизмат турлари, шунин-гдек, истеъмол хусусиятига эга хизмат турлари жадал ривож-ланишмоқда. Жорий йилнинг би-ринчи ярмида 100 дан ортик транспорт йўналишлари ташкил этилди, мингдан зиёд янги ча-кана савдо корхонаси, 190 уму-мий овқатланиш корхонаси, 1,4 мингта мижасий хизмат кўрсатиш корхонаси фойдаланишга топши-рилди. Рақамли АТСлар сони кўпайди. Республикаимиз ҳудуд-ларида мобил алоқа хизматла-ридан фойдаланишни кенгайти-риш хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг муҳим оли-ли ҳисобланади. Бу эса алоқа ва аҳолиотлаштириш хизматлари ўсишини 145,6 фоизга ошириш-ни таъминлади. Автомобиллари таъмирлаш бўйича янги устахо-налар ишга туширилди, уларнинг иш самарадорлиги оширилмоқ-да.

Шу йилнинг биринчи ярмида 372,1 мингта янги иш ўринлари (ҳудудий дастурлар кўрсаткичларига нисбатан 118,2 фоиз), шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбир-корлик соҳасида 203,8 мингта ёки уларнинг умумий сонига нисбатан 54,8 фоиз, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 130,2 мингдан ортик янги иш ўрни ташкил этилди (бу яра-тирилган иш ўринлари умумий сонининг 35 фо-изини ташкил этди).

Касаначиликни ривожлантириш негизда корхоналар ва хизматлар ишлаб чиқариш ўрта-сидаги кооперацияни кенгайтириш бўйича олиб борилган фаол ишлар натижасида 66,7 мингта иш ўрни яратилди. Шу жумладан, йи-рик сан-ат корхоналари билан кооперация асосида 16,2 мингта, бошқа тармоқларнинг йирик корхоналари билан 26,2 мингта тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ки-чик сан-ат корхоналари билан 24,3 мингта иш ўринлари ташкил этилди. Умуман, ҳис-обот даврида касаначиликда меҳнат шартно-малари, пудрат ва оилавий бизнес шартно-малари бўйича иш ўринлари ҳисобга олин-ган ҳолда, 132,6 минг киши иш билан таъ-минланди.

Меҳнат бозоридида олиб борилган фаол си-ёсат аҳоли бандлигининг 2,9 фоиз ўсишига қўмаклашди ва иш билан банд бўлганлар сони 305,9 минг кишига кўпайиб, 10,8 миллион кишини ташкил этди.

V. Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ва унмдорлигини оширишни таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар самаралари, аҳолини озиқ-овқат билан барқарор таъминлаш

Жорий йилнинг биринчи ярмида Суғори-ладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини ях-шилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан су-ғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида узунлиги 8070,1 кило-метр магистрал, туманлараро ва хўжаликлар-ро коллекторларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-қайта тиклаш бўйи-ча 469 лойиҳа бажарилди. Мелиорация ва бошқа ишларни амалга оширишга ихтисос-лашган 49 давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида ўтган йил-нинг шу давридагига нисбатан қишлоқ хўжа-лиги ялпи маҳсулоти ўсиши 105,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йилгига қараганда поли-з акнлари (141 фоиз), мева (115,1 фоиз), сабзавот (114,6 фоиз), картошка (111,9 фоиз), сўт (106,6 фоиз) ва гўшт (106,4 фоиз) кўп етилирилди.

Фермер хўжалиқларига турли хизматлар

кўрсатиш мақсадида ёнилги- мойлаш мате-риаллари билан таъминлаш бўйича 1333 шо-хобча, минерал ўғитлар билан таъминлаш бўйича 915 шохобча, 1780 мўқрол МТП, 1203 мини-банк, 1676 сўвдан фойдаланув-чилар уюшмаси ва бошқалар фаолият кўрсат-моқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжа-лиқларида чорва молларини қўлайитириш рағбатлантириш дастурини бажариш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

2008 йилнинг биринчи ярми давомида республика бўйича ташкил этилган 166 ким ошди савдоси шоҳобчалари орқали 10406 бош этдор қорамол сотилди, 13,6 миң оила-га сизир бепул тарқатилди.

2008 йил 1 июль ҳолатига кўра, тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка қўмаклашувчи жамғармаси томонидан аҳоли-га қорамол сотиб олиш учун умумий миқдо-ри 20,1 миллиард сўмга тенг микрокредит-лар ажратилди. Бунинг натижасида ўтган йил-нинг биринчи ярми йилгига нисбатан аҳоли жон бошига гўшт ишлаб чиқариш 4,5 фоизга, сўт ишлаб чиқариш 3,5 фоизга кўпайди.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳаси-да Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чи-қарувчилари ва бу маҳсулотларни қайта иш-ловчи корхоналар кооперациясини ташкил этиш дастури доирасида қайта ташкил этил-ган ширкатлар негизда 193 агрофирма ту-зилди. Қишлоқ хўжалиги учун мива техноло-гиялар ва ихчам ускуналарнинг III-халқаро их-тисослаштирилган кўргазма-савдоси доирасида 173 лойиҳа, жумладан, мева-сабзавотчи қайта ишлаб бўйича 58 лойиҳа, мева-сабзавотлар-ни қуриш бўйича 57 лойиҳани амалга оши-риш бўйича савдо шартномалари имзоланди.

Мева-сабзавот ва гўшт-сўт маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг қўлайиши деҳқон бо-зорлари маблағ айланмасини 7 фоизга оши-ришни таъминлади.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари билан бар-қарор таъминлаш мақсадида жорий йилнинг биринчи ярмида республика озиқ-овқат ва қайта ишлаш корхоналарида озиқ-овқат маҳ-сулотлари ишлаб чиқариш 130,2 фоиз таъ-минланди. Аҳолига ўтган йилнинг шу даври-дагига қараганда 4,1 фоиз кўп иш сотилди, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2 баравар, шакар 2,1 баравар, ўсимлик ёғи 7,7 фоиз, сўт ва сўт маҳсулотлари 9,4 фоиз, спиртсиз ичимликлар қарийб 1,5 баравар ошди.

VI. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш

Ҳукумат томонидан иш ҳақини қўлайитириш, бандликни кенгайтириш, ишлаб чиқариш ҳаж-мини ошириш ва корхоналарнинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш бўйича қўрилётган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг реал пул даромадлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 23,4 фоиз, ўртача номинал иш ҳақи 51 фоиз, ўртача пенсия миқдори 76,1 фоиз ўсди.

Шу йилнинг биринчи ярмида аҳолининг таълим, соғлиқни сақлаш, болалар спорти ва ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича олиб борилётган ишлар давом эттирилди. Бу бо-рада 13265 ўқувчи мўлжалланган 18 та касб-хўна қоллежи ва академик лицей, 3784 ўқув-чи мўлжалланган 19 та умумтаълим макта-би, 6 кишлоқ врачлик пункти, узунлиги 1023,5 километр сув қувири ва 451,8 километр газ узатиш тармоқлари фойдаланишга топширил-ди.

Таълим тизимида амалга оширилаётган да-стурлар доирасида болаларни умумий таъ-лим, 9 синф биттитувчиларини касб-хўна қол-лежлари ва академик лицейларда ўқиш бил-лан 100 фоиз қамраб олишни таъминлайди-ган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда тасдиқланди. Иқтисодиёт тармоқлари-даги мавзуд бўлиб иш ўринлари, шунингдек, иқтисодий тармоқларидаги таркибий ўзга-ришлар хисобга олинган ҳолда, ҳудудлар ва мутахассисларга нўқтан назаридан ёшлар-нинг бандлик даражаси комплекс тарзда ин-вентаризация қилинди.

"Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга ошириш давомида ёшларни моддий қўллаб-қувватлаш, улар учун янги иш жойларини таш-кил этиш, ёш оилаларнинг турар-жой ва ма-иший шарт-шароитини яхшилаш, ёшлар таъ-лими сифатини ошириш орқали уларнинг фа-ривончилигини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар бажарилди.

Ўтган давр мобайнида 5,3 минг нафар иш-сиз йилит-қиз бозор эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда қайта тайёрланди. Қурулди Кун-лар сафидида хизматини ўтаб қайтган 9,7 минг нафар йилит иш билан таъминланди. Кол-лежлар биттитувчиларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз ишини ташкил этиши учун Банд-ликка қўмаклашувчи жамғармасидан 1480,9 миллион сўмга тенг микрокредитлар ажратил-ди. Уй-рўзгор буюмларини сотиб олиш учун қиймати 16,3 миллиард сўмлик имтиё-зи истеъмол кредитлари, шунингдек, ёш оилаларга уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва харид қилиш учун 17,1 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари берил-ди. Қишлоқ жойларда 241 ёш ўқитувчи оила-сига яқка тартибда уй қуриш учун ер участка-лари ажратилди.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг юқори суръатларини таъминлаш, иқтисодиётда ижо-бий таркибий ва сифат ўзгаришларини да-вом эттиришга Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислам Каримов томонидан 2008 йил-да белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оши-риш орқали эришилди. Бу эса иқтисодиётда бозор ислохотларини жадаллаштириш, аҳоли фаривончилигини ошириш ва Ўзбекистон Рес-публикасининг ҳар бир фуқароси учун қулай кафолатлар яратишга хизмат қилади.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● 94 миллион йил аввал денгиз остида рўй бер-ган вулкон қурраи заминдаги тирик организмлар-нинг оммавий қирилиб кетишига сабаб бўлган, дея таъкидлашмоқда канадалик олимлар. Канаданинг Аль-берт вилоятидаги университет хабариди айтилиши-ча, тадқиқотчилар Стивен Таржон ва Роберт Кри-сер Жанубий Америка ва Италия денгизлари сохи-лидаги жинсларни ўргана туриб, сув остида вулкон портлашдан далолат берувчи осмий изотопларини топишган. Олимларнинг маълумотларига қараганда, вулконнинг қучайиши геологик ўлчовларга биноан ом-мавий қирилиб кетиш билан деярли бир вақтда со-дир бўлган. Сув ости вулкони океанда озиқ моддала-ри, шу жумладан, азот миқдори орттишига сабаб бўлган. Бу эса денгиз флора ва фаунасининг бойи-шига хизмат қилган. Жонли организмларнинг қўлай-иб кетиши сувда ксилорд эритмаларининг бутун-лай йўқолишига олиб келган, вулкон натижасида эса океанда ҳам, атмосферада ҳам карбонат ангидрид концентрацияси кўпайган. Оқибатда океандаги де-ярли барча жонотлар нафас ололмай ҳалок бўлган. Бундай воқелик гарчи жуда ҳам содир бўлса-да, иссиқ-иклим шароитида юзага келиши эҳтимолдан холи эмас. Бу эса олимларга глобал иссиқ эффеқтининг таъсирини олдиндан ўрганиш имконини беради. Ер тарихида бир неча оммавий қирилиб кетиш ҳолатла-ри аниқланган бўлиб, уларнинг натижасида тирик организмларнинг 70 фоизи йўқолиб кетган. Маса-лан, 65 миллион йил аввал содир бўлган қирилиш динозаврлар даврини тугатиб, сўт эмизувчилар ҳук-ронлигини ўрнатган. Олимлар олдинроқ жонотлар-нинг оммавий йўқолиб кетишини улкан метеоритлар ёғири ва уммон сатҳининг ўзгариши билан бо-лашган эди.

● Жаҳон бозорларида нефть нархи юқориликча қолмоқда. Бу эса нафақат дунёнинг ривожланаётган, балки ривожланган давлатлари иқтисодиётига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Айнакда, нефть истеъ-моли бўйича дунёда биринчи ўринда турувчи АҚШда ҳам баланд нарх автотижоратчи ҳаммадан ташка-ри шаҳарлар бюджетига жиддий таъсир кўрсатяпти. Жоржия штатининг Холи-Спринг шаҳарчасида бен-зин нархини бир маромда ушлаб туришининг антиқа усули топилди. Мазкур шаҳарча полицияси кўча қоидасини бузиб, воқеа жойидан қочганларга нисба-тан бензин учун алоҳида ҳақ ундирадиган бўлди. Яъни ҳайдовчидан қоидадан бузганлик учун жаримадан таш-қари, уни қувишга кетган бензин учун тоовон тари-қасида қўшимча 12 доллар ундирилди. Маҳаллий полиция раҳбари Кейн Боллнинг сўзларига кўра, бун-дай чора бир йилда 26 миң доллар маблағ тежаши-шига олиб келади. Шаҳар кенгаши бу тадбирни қўллаб-қувватлаган. Чунки нархнинг ошishi бензин учун ажратилган бир йиллик маблағнинг ярмидан кўп-ни «ёб» юборди. Агар бензин нархи ўтган йилги баҳога пасайса, қоидабузар тоовон пулига тортилмай-ди.

● Ўзининг ноанъанавий маҳсулотлари билан ма-шҳур бўлган Япониянинг Тһапко компанияси мебел-ларнинг ақойиб намунасини яратди. Бу — ҳақиқий дангасалар учун мўлжалланган компьютер столидир. Мазкур мебель ёрдамида сиз креслода ўтирган ҳолда ёки ҳатто қараётганда ётиб ҳам бемалол компьютерин-гиздан фойдаланишингиз мумкин. Турри, компью-тер билан ётган жойда ҳам ишлаш мумкин. Аммо ушбу компаниянинг компьютер столлари анча қулай. У сизга катта диагоналдаги оддий монитор ва ком-пьютер клавиатурасини қулай тарзда ишлаши им-конини беради. Стол конструкцияси монитор ва кла-виатура учун бошқариладиган тагликка эга. Нархи 178 доллар бўлган мебелнинг ушбу оригинал наму-наси ҳозирча Япониянинг ўзиди сотилияпти.

● Американинг Гарвард - Смитсон Астрономик маркази олимлари қўш массасининг ярмидан ош-майидан «қизил митти» деб аталувчи юлдузлар ат-рофида яшаш учун транзит сайёралар қидирмоқда. Сайёралар унчалик катта бўлмаган юлдузлар атро-фида айланади ва осмон чирокларининг ярим диск қисмларини доимий равишда ёпиб туради. Бундай «тутилишлар» юлдузнинг ёркинлигини 0,5 фоизга су-сайтиради ва ёркинликнинг камайиши сайёрани ер-дан туриб кузатиш имконини яратади. Кузатувлар Шимолий ярим шардаги 2 мингта «қизил митти»-лар устида олиб борилди. Улар физик ўлчамлар асосида танлаб олинган. Ўрганиш учун бу қадар кўп сонли объектларнинг олинганига сабаб, замонавий тасавуруларга кўра транзит сайёраларни аниқлаш эҳтимоли бир фоизгича таъмин қилинган.

● Польшалик 38 ёшли аёл маст ҳолда фарзанд-ни дунёга келтиргани учун беш йил панжара ортига сургун қилиниши мумкин. Воқеа Варшава яқинидаги Отвоц шаҳарчасидаги туғруқхонада юз берди. Ши-фокорларнинг айтишича, бу аёл мурожаат қилган вақ-тда фирт маст эди. Уни текширувдан ўтказишганда эса қони таркибиде спирт миқдори жуда кўплиги маълум бўлган. Ачинарлики эса дунёга келган чака-локнинг қонидаги спирт миқдори онасиникига қара-ганда 15 марта юқорирок. Шу боис шифокорлар унинг кейинги ҳаётидан ташвишлинишмоқда. Тугилгажак фарзанди соғлимига эътибор бермай спиртли ичим-ликлар ичишни қанда қилгани учун бу аёл жиноий жавобгарликка тортилди. Бу мамлакат қонунларида белгилаб қўйилган.

● Ер юзидида аҳолининг деярли тўртдан бир қисми — 1,4 миллиард одам мунтазам равишда Ин-тернетдан фойдаланади. Экспертларнинг таъкидла-шича, бу кўрсаткич келгусида тез суръатларда ўсиб бормоқда. Америкадаги IDC таҳлил компанияси 2012 йилга бориб Интернетдан фойдаланувчилар сони 1,9 миллиардга етади, деб хабар тарқатди. Агар инсо-ния ҳозирги суръатда қўлайиб борса, тўрт йилдан кейин ерликларнинг 30 фоизи халқаро «ўргимчак тўри»дан фойдаланади. «Бу вақтга бориб тармоқ яна-да ривожланиб, одамларнинг ишлаши, ҳордик чиқа-риши ва мулоқотда бўлиши учун кенгроқ имконият яратади. Бу жараён фойдаланувчиларнинг қўлайиши ва Интернетнинг кундалик ҳаётга чуқурроқ кириб бо-риши билан янада тезлашади», дейди IDCнинг кат-та таҳлилчиси Жон Гантц. Тадқиқотчилар, шунингдек келгуси йилларда Интернетнинг Wed 2,0 (яъни, фой-даланувчилар юридадиган блоклар, ижтимоий тар-моқлар ва бошқа хизматлар) сингари сигментлар яна-да оммалашиб, почта ва янгилик сайтлари онлайн - магазинларга ўхшаб аънавий сайтлар даражаси-га етади. Колаверса одамлар Интернет фақатгина компьютерлардан эмас, балки уяли телефонлардан ҳам кира бошлайдилар.

17 йил МУСТАҚИЛЛИК

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шухратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Учтепа тумани: АҲОЛИ ФАРОВОНЛИгини КЎЗЛАБ



ФАРЗАНДАР КАМОЛИГА БАРЧА МАСЪУЛ

Аслида бола тарбияси, шубҳасиз, биринчи навбатда ота-онанинг вазифаси ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган сабъ-ҳаракатлар эса эртанги кунимиз, эртанги ниятларимиз, орзу-умидларимиз рўёби билан боғлиқдир. Шу боис фарзандларимиз камоли йўлидаги сабъ-ҳаракатлар ота-оналар қаторида таълим, соғлиқни сақлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, кўплаб давлат ва жамоат тузилмаларининг ҳам бурчи дея қабул қилинаётир.

Жумладан, ушбу йўналишда бир қатор мутасадди ташкилот ва муассасаларни бирлаштирган ҳолда жойларда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ҳам фаолият юритади. Шу ўринда эслатиб ўтиш керакки, мазкур комиссиялар, илгарилари каби, фақат «тарбияси оғир» болалар ёки «оғир оила» фарзандларига доир масалалар билан чекланмайди. Уларнинг мақсад-вазифалари оила, оналик ва болалик фаровонлигига йўналтирилган барча масалаларни ижобий ҳал этишдан иборат.

Тўрт боланинг онаси Феруза ҳали ўттиз ёшга ҳам тўлган. Тақдир тақозоси шундай бўлдики, анча пайтдан бери у бир ўзи оилани тебратаяпти. Кичик ўғли энди уч ёшда. Узи ишламаётгани тўғрисида (ёрдам берадиган на ота-онаси, на яқинлари йўқ) туман вояга етмаганлар комиссиясига йшга жойлаштиришда кўмак бериш масаласида мурожаат қилган.

Бундай аризалар тез-тез тушиб туради ва ақсариятини фақат ота-оналар илтимосига биноан эмас, балки авваломбор болалар манфаатидан келиб чиқиб ҳал этишга ҳаракат қиламиз, — дейди туман комиссиясининг масъул котиби Лимара Бекирова. — Айни пайтда иккита ариза кўриб чиқилмоқда. Юқорида кайд этилган вазиятдан ташқари, уч фарзандли яна бир она ҳам ёлғиз ўзи болалар тарбияси билан машғул. Аризасида катта ўғлини тумандаги кам таъминланган оилаларга мўлжалланган 98-мактабга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраган. Бундай масалаларни комиссия кун тартибига чиқаришдан аввал ҳар томонлама ўрганиб чиқариш ва энг мақбул йўлни, яъни имкон қадар болаларнинг онасига яқинроқ бўлишини кўзлаб иш тутамиз. Афсуски, икки ҳолатда ҳам вазият мушкулроқ. Бу оилаларнинг аниқ бир муҳим яшаш жойи йўқ — бири ётоқхонада, иккинчи аёл опасининг икки хонали уйида сиқилиб яшайди. Уларнинг моддий аҳволининг анча танглиги болалар тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсата бошлаган. Шулардан келиб чиқиб, иккала онанинг мурожаатини қондиришга қарор қилинди. Лекин улар олдига болалар оналари билан тез-тез учрашиб туриши лозимлиги, қолаверса, имконият туғилиши билан оилага қайтарилиши даркор деган шарт қўйилди.

Уйлашимизки, бола тарбиясида оила мустаҳкам қўрғон каби нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини тушунириб ўтиришнинг ҳолати йўқ. Дарвоқе, ўтган йилнинг ўзида комиссия сабъ-ҳаракати билан ота-онаси бўлмаган 17 нафар бола-жон янги оилалар бағрига олинди, олти нафарига эса вазийли расмийлаштирилди. Муҳтожларга, айниқса болаларга ёрдам беришга шайланганлар кўп. Қолаверса, комиссия ана шундай инсонлар саховатига таянади. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга «Камолот» ЁИХ «Ватанпарвар» ташкилоти, «Маҳалла» жамғармаси, бошқа тузилмалар доимий кўмакдош.

Ҳар бир уюштирилган тадбирларимиз эса, албатта, сарф-ҳаражатлар билан боғлиқ, — деди Л.Бекирова. — Фурсати келган экан, болажонларимиз учун ташкиллаштирилган акцияларга яқиндан ёрдам бераётган барчага миннатдорчилик билдириб қоламиз.

БАЪЗИДА ОИЛА ТАШВИШЛАРИ ШУНДАЙ КЎПЛАЙИБ КЕТАДИКИ, ГАНГИБ ҚОЛИШ ҲЕЧ ГАП ЭМАС. АММО ҚАНДАЙДИР КУЧ ИЛА УЛАРНИ АЛБАТТА ЕНГИБ ЎТАСАН. ҲА, ХОТИРЖАМЛИККА НИМА ЕТСИН ДЕЯ, ШУҚР ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК.

Маҳалланг — ота-онанг

“ОҚМАЧИТ”НИНГ ОДДИЙ ҲАҚИҚАТЛАРИ

— Оила бор экан, юмушлари, ташвишлари, аниқроғи қийинчиликлари ҳам бўлади, — дейди «Оқмачит» маҳалласи оққоқли Саъдулла Ибрагимов. — Бундай пайтларда инсонга куч ато этувчи омил ҳам одамларнинг ўзи. Қариндош-уруғлар кўп бўлиши яхши. Лекин биринчи дард-кашинг, биринчи кўмақдошиң — бу кўни-кўшни, маҳалла-кўй... «Оқмачит» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси билан суҳбатимиз бежиз шу йўналишда бошлангани йўқ. Биз борган кунда маҳалла идорасида тезкор кенгаш йиғилиб, бир оила бошига тушган мушобат муҳома қилинаётган экан. Йиғин фаоллари деярли бир хил фикр билдириб, барча моддий ҳаракатларни маҳалла ўз бўйича олишига қарор қилишди.

Маълум бўлишича, ушбу оила боши маҳаллаганинг унчалик ҳам эътибор бермас экан. Кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор эса ажаблаларли бўлса-да, лекин нима учун бундай тўхтама келинди, деган саволимиз, назаримизда, ўринли эди.

Бугун республикадаги каби пойтахтимизда ҳам кенг қўлчол ёйиб, изчил татбиқ этиб келинаётган мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бунинг яқол исботидир.

Учтепа тумани шахримиз аҳолиси эич жойлашган ҳудудий бирикмалардан бири. Урта ҳисобда ҳар бир оила тўрт-беш кишидан иборат бўлса, 30-35 ёшгача ўғил-қизларимиз 60 фоиздан зиёдни ташкил этади. Умумий оилаларнинг деярли 40 фоизи ҳам ёш оилалардир.

Ҳар йили янги оилалар сони кўпайиб бормоқда. Демак, ўзига хос

ўта эътиборли инсон. Масалан, кўчамиздан ўтганда, албатта бир сўз билан бўлса ҳам сўраб-иш-таб, тинчликми дея, хотиржамлик тилайди, — дейди онахон Турғуной Аҳмедова. — Айниқса, қариялар, касалмандлар ҳолидан тез-тез хабар олиб туриши баъзи вақтларда хайрон қолдиради. Фарзандлари, қондош жигари-ришига кўп гувоҳ бўлганман. Қолаверса, гап бунда эмас, балки инсоний бурдадир. Четда кузатувчи бўлиб туриш ўзбекларга ярашмайди. Яхши ният билан уруғ қадасанг, шунга яраша хосил оласан, дейди ота-бобо-ларимиз, пир-бадавлат онахонларимиз. Бундай ўғитларга қўлоқ тутишимиз, фарзандларимизга ўзимиз ўрнатиб бўлиб, уқдиришимиз даркор.

Маҳалла билан танишар эканмиз, унинг катта-кичиги оққоқлининг исми-фамилиясига ҳам ишчи билиши бежиз эмас экан, деган хулосага келдик. — Уч юздан зиёд оилага бош-қош бўлиш, кимгадир ота, кимгадир фарзанд, кимгадир устоз дегани ҳамдир. Оққоқлимиз

Дарвоқе, саховатпешалик ҳақида. Маҳалла ҳудудида бир-он-бир қорхона ёки ташкилот жойлашмаган. 42 йил илгари ташкил толган бўлса, шу кунга-

шу кунларда пойтахтликларга яхши танилган «ВИМ БИЛ ДАНН-ТОШКЕНТ» ХОРИЖИЙ ҚОРХОНАСИ УЧ ЙИЛЛИК ФАОЛИЯТИНИ САРҲИСОБ ҚИЛАЁТИР.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мамлакатимизда дастлаб савдо уйи сифатида иш бошлаган Россиянинг дунёга машҳур «Вим Билл Данн - Продукты питания» ҳолдинг компанияси 2005 йилнинг июль ойида Тошкентда биринчи сўт маҳсулотларини ишлаб чиқариш қорхонаси фаолиятини йўлга қўйди. — Утган вақт ичида қўзланган мақсадга эришилди десақ адашмаймиз. Ўзбекистон бозорига янги, энг муҳими эҳтиёж юқори бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун киритилган 7,3 миллион АҚШ доллариға тенг инвестициялар асосан ўзлаштирилди, — дейди хорижий қорхонанинг молия директори Санжар Алимов. — Қорхона олдинги «Тошсўт» негизида иш бошлаган бўлса-да, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш майдонлари замон талабига мос тарзда реконструкция қилинди, янги технология жараёнлар киритилди. Хусусан, бевосита ишлаб чиқариш, қадқоқлаш дастгоҳлари автомат орқали бошқарилади. Шунингдек, ўзаро алоқаларга доир транспорт масалалари ҳал этилиб, ҳам ашё — сўт етказиб бериувчи фермер хўжаликлари билан муносабатларимиз ҳолдинг мақомига яраша мувофиқлаштирилди, яъни ўзаро шартнома имзоланган хўжаликларда ҳам кўмағимиз остида техник жараёнлар янгилаш тус олди. Икки томонлама қўлайликларни ҳисобга олган ҳолда, ҳам ашё бўйича ички ҳамкорларимизга Европа давлатларидан келтирилган махсус совутигичлар ўрнатиб берилди. Бунинг натижасида бугунги кунда келтириладиган ҳам ашёнинг сифати анча яхшиланди. Ишлаб чиқариш самардорлигини деярли 2,5 бараварга оширишга эришдик. Пироваврида ташқи бозор учун ҳам маҳсулот тайёрлашга замин юзга келмоқда.

«Вим Билл Данн»нинг «Весёлый молочник», «Домик в деревне», «Чудо» брендлари остида ишлаб чиқариладиган 29 турдаги сўт маҳсулотлари кўпчиликка маъқул бўлаётганини инкор қилиб бўлмайди. Харидор эҳтиёжини ўрганиш ва унга янада яқин бўлиш мақсадида «Вим Билл Данн» бозорлар, бошқа аҳоли гавжум жойларда 25 та махсус дўконлари фаолиятини ҳам ташкил этган. Қорхона фаолияти бошида тўксатига 20 тонна маҳсулот тайёрланган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич икки бараварга кўтарилди. Жорий йилда ишлаб чиқариш қувватлари кунига 55 тоннани ташкил этмоқда.

Бироқ бу билан чекланиб қолш ниятимиз йўқ, — сўзини давом эттирди С.Алимов. — Маҳаллий ҳам ашё асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш қаторида маҳсулот турларини ҳам қўлайштириши, жумладан ўзбек заминининг шифобахш хўл меваларидан «Любимый сад» бренди остида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси билан шартлар тайёрлашни ҳам режалаштирганимиз. Шунингдек, автотехника масалаларида «Самавто» қорхонаси билан шерикчилик шартномасини давом эттириш ниятидамыз.

Дарҳақиқат, «Вим Билл Данн-Тошкент» хорижий қорхонаси мамлакатимизда антиқа бир лойиҳанинг тадқиқот-чиқариши бўлади. Лекин бу ҳақда кейинги сафар тўхталиб ўтамиз. Яъни мамлакатимизга катта сармоялар киритаётган «Вим Билл Данн-Тошкент» хорижий қорхонаси ҳақида ҳали айтадиган гапимиз кўп.

Саҳифани Ильмира ЗАЙНУДИНОВА тайёрлади. Қозим Улмасов олган суратлар

Иқтисодиёт

БЕЖИРИМ ВА ҚУЛАЙ

ИЧКИ БОЗОРИМИЗНИ ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ МАҲСУЛОТЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРДАН ЧУҚУР БИЛИМ, МАҲОРАТ, ИЗЛАНИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ. ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР ТОПИШ, ХОРИЖИЙ ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЮТУҚЛАР ОМИЛИ БЎЛАДИ.

Чарм маҳсулотлари ишлаб чиқаришда юксак унумли дастгоҳ ва ускуналар ҳамда малакали ишчи-хизматчилар ёрдамиға таяниб фаолият юритаётган «Қодиров 3.А» хусусий қорхонаси ҳам ўзининг тўғри йўлини топган жамоалардан ҳисобланади.

2004 йилдан фаолият юритаётган мазкур жамоада 28 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Жамоа аҳли ички бозоримизни импорт ўрнини босадиган сифатли ва рақобатбардош аёллар сумкалари билан тўлдириш йўлида изланмоқда. Маҳаллий ҳам ашё ҳамда Хитойдан келтирилган фурнитура жой-жойида қўлланилган бежирим, башанг, қулай, турли ҳажм, ранглардаги сумкалар ҳар қандай но-зиктаб аёлга ҳам манзур бўлмоқда. Асосийси, улар хориж-ниқидан асло қолишмайдиган, лекин нархи анча арзонлиги билан ажралаб туради.

Ўтган давр мобайнида жамоа аҳли кўплаб турдаги сумка-ларни тиклашни ўзлаштириб, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни кен-гайтириш йўлида ҳаракат қилишмоқда. Ҳамкорлар, кредит олиш масалалари хусусида лойиҳалар устида бош қотира-ётган қорхона тадбиркорларининг ушбу ниятлари ҳам амалға ошади, деган умиддамыз.

ГЎЗАЛЛИК ЯРАТУВЧИ ҚўЛЛАР

ГЎЗАЛ, ЛОБАР ҚИЗЛАРИМИЗНИ ТАҚИНОҚЛАР ЯНАДА ЖОЗИБАЛИ, МАФТУНҚОР ҚИЛАДИ. ГЎЁКИ ТАБИАТИНИНГ ЎЗИ ҲАМ ТУРЛИ-ТУМАН СЕРЖИЛО ТОШЛАРИ БИЛАН ГЎЗАЛЛИК ЯРАТИШГА ШАЙЛАНГАНДЕК...

Пойтахтда фаолият юритаётган «SAMOSVETI» масъулия-ти чекланган жамияти бир неча йиллардан бунён маҳаллий тошлар билан безакланган тақиноқлар ишлаб чиқариб, юр-тимиз аёлларини мамнун этмоқда.

— Қўли гул ҳўнармандларимиз қалб қўри билан ясаёт-ган тақиноқларга ўрнатилган ўнумли тошлардан тош-лардан самарали фойдаланамиз, — дейди жамият бошқару-ви раиси Лола Содқонова. — Улар Феруза, оникс, яшма, обсидиан, фрезолит каби тошлар бўлиб, ишлов берилган, янада ҳилолланган, ҳар бир тақиноққа ўзгача жозибга бағиш-лайди. Маҳсулотларимизнинг нафақат юртдошларимизга, балки хорижийларга ҳам манзур бўлишида жамоа аҳли-нинг юксак маҳорати, изланиши алоҳида таҳсинга лойиқ. Ҳозирда биз саксон турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқар-моқдамиз.

ХАРИДОРГИРЛИГИ ОШМОҚДА

СИФАТ БОШ МЕЗОН САНАЛГАН ЖОЙДА ТАЙЁРЛАНГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ОРТИБ БОРАДИ. ШУНИНГДЕК, БОЗОРНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРИЛСА, МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРГИР ТУРЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШГА ЭЪТИВОР ҚАРАТИЛСА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ РИВОЖЛАНИБ БОРАВЕРАДИ.

Нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўз маҳсулотлари харидорғирлигига эришаётган «Тошкент лак-бўёқ заводи» акциядорлик жамиятида тайёрланаётган лак-бўёқлар бугун-ги кун талабларига тўла жавоб бермоқда. Шу боис бўлса керак қорхона цехларида илгор технологиялар асосида тай-ёрланаётган лак-бўёқларга буюртмалар ҳам кўпаймоқда. Қорхона қошида ташкил этилган махсус лаборатория му-тахассисларининг сабъ-ҳаракатлари боис маҳсулот турлари ҳам ортиб, сифати юқорилик бормоқда. Изланишлар олиб борилад экан, албатта буюртмачи талаб ва тақлифлари ино-батта олинди, уларни тез ва соиз бақаришга эътибор қара-тилади.

Тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқариладиган лак-бўёқ-ларнинг қадқоқлашига ҳам эътибор қўли. Харидорни жалб этишда қиройли, бежирим, эҳтиёжга яраша қадқоқлашнинг ҳам аҳамияти каттадир. Қорхона лак-бўёқларидан халқ хўжа-лигининг турли жабҳаларида фойдаланилмоқда. Асосан, қўрилиш ташкилотлари ва фирмаларининг буюртмалари ба-жарилади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, маҳсулот турлари, сифати ва рақобатбардошлигини янада ошириш учун хорижий ҳам-корлар билан ҳам алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Хи-тои, Украина, Россия давлатлари ана шундай ҳамкорлар сирасидандир.

Шарофат БАХРОМОВА

Фан ОЛИЙ СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛИШДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИДА ҚАТОР ЙИРИК МОНОГРАФИЯЛАР ЮЗГА КЕЛДИ. СУВ РЕСУРСЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА УЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИНИ ЯРАТИШГА ОИД ТАДҚИҚОТЛАР ҲАМ ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРАЁТИР.

СуВ ресурсларини акс эттирувчи ҳарита ҳам юзгага келди. Шу асосда гидрогеологик лойиҳа намуналари тайёрланди. «Экспо-2000» халқаро кўргазмасида бу ишланмага юқори баҳо берилди. Италиянинг Катания шаҳрида ўтказилган «Ат-роф-муҳит ва саломатлик» халқаро анжуманида илмий му-ассаса жамоаси Европа Иттифокнинг рейтингида олий ква-лификацияга эга бўлди.

КАФЕДРА ТАДҚИҚОТЛАРИ

ХАЛҚАРО «ИНТАС» ЕВРОПА ИЛМИЙ ЖАМҒАРМАСИ ДАСТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕК ОЛИМЛАРИ ҲАМ ФАОЛЛИК КЎРСАТИШ КЕЛИШМОҚДА.

Ўзбекистон Миллий университетининг «Табий бирикма-лар кимёси» кафедраси ҳам ушбу ҳамкорлик доирасида самарали изланмоқда. Марказий Осиёда ўсадиган 50 дан ортик ўсимлик турлари ҳам аниқланди. Улардан 300 дан ортик доривор моддалар ажратиб олинди. 100 дан ортик физиологик фол моддалар синтез қилинди. Яратилган мо-нографиялардан бири эса Америкадаги халқаро «Академп-ресс» нашриётида алоҳида тўплам ҳолида чоп этилди.

Кафедрада «Биоорганик кимё лабораторияси билан ҳам-корликда янги тадқиқотлар олиб боришмоқда. Акбар АЛИЕВ

Оз-Оз ўрганиб домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ
Муҳаммадризо ОГАХИЙ
ХИКМАТЛАР

Шаҳди иззат лаззатин истар эсанг, тарк эт тамаъ — Ким, бу заҳр этгуси ул шарбатни жовидона талх.

Тийра гўр ичра бўлур чун манзил охир тийра хок, Қасри Бахроми аро тахти Сулаймондин не суд.

Оқил эрсанг бўлмоғил гарра жаҳон лаззотиға Ул сифатким, тифллар кўрса бўлур хурсанд қанд.

Талхком ўлмай десанг заҳри надамдин, эй йигит, Тут қарилар гар санга ҳар навъ берса панд қанд.

Эй гани, ҳалвони таъриф этмаким, фақр аҳлиға Тортибон меҳнат топиб эрмас еган нондин лазиз.

Гар карим эрсанг, дами эҳсон этардин чекма қўл — Ким, карам аҳлиға йўқ ҳеч неъмат эҳсондин лазиз.

Чин тамаъ бирла агар олдинг биравдин бир дирам, То қиёмат бегумон билгил онга бўлдинг асир.

Бир дирам ҳар кимга гар инъом қилдинг, то абад Ул санинг маъмуринг ўлди, сан онга бўлдинг амир.

Жоҳ учун оламда ҳар нокас таъзим айлама, Истамас эрсанг агар жуҳҳоларо бўлмоқ ҳақир.

Обрўйинг тўкма ҳар дам ҳар эшик туфроқиға, Топмасанг бағрингга тиш беркит куруғ нони фатир.

Кўрмайин десанг ики олам аро афтодалиғ, Бўл қўлингдин келгуча афтодаларга дастпир.

Азиз ўлмоқ агар истар эсанг аҳли жаҳон ичра, Қаноат айлаким, ул рутба осори қаноатдур.

Даҳр қасриким, ҳақиқатда қуҳан вайронадур, Они ҳар ким маскан этмак истади девонадур.

Дилқашдур агарчи жаҳон гулшани баса, Лекин даригу дардики, йўқтур бақойи умр.

Улусға олам ичра ҳосил этмок нон эмас осон — Ки, боис кичиққоли фирдавсдин одамга гандумдур.

Эр эрсанг тут баробар чархнинг лутфу жафосини, Йўқ эрса дойимо элга ишинг арзи тазалумдур.

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI Davlat aloqa inspeksiyasi nomiga 1998 йил 10 ноябрда берилган 10-00595/1-сонли далолатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Шахмат
ҒАЛАБА МУБОРАК, ЧЕМПИОН!

ШУ ЙИЛНИНГ 19 ИЮЛЬ — 1 АВГУСТ КУНЛАРИ ШВЕЙЦАРИЯНИНГ СЕТ-ГАЛЛЕН ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ШАХМАТ БЎЙИЧА ICSC ТАСНИФИДАГИ ҲАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА ЎЗБЕКИСТОНЛИК СИРОЖИДДИН ЗАЙНИДДИНОВ БИРИНЧИ ЎРИНИ ЭГАЛЛАД, ЯНА БИР БОР ЧЕМПИОНЛИК УНВОНINI ТАСДИҚЛАШГА МУВАФФАҚ БЎЛДИ.

Шахматга қизиқиш Сирожиддинда болаликдан бошланди. Ака-ука, опа-сингиллар оила даврасида тез-тез шахмат устида йиғилишиб, ўзаро беллашиб, беш ўғил ва уч қизга қарши эса асосан оила бошлиғи Савронбек ака чикарди. Ҳайитгул ая ҳар доимгидек ҳакамлик қилиб, энг адолатли ҳукм чикарарди: профессионал шахматчи энди-энди бу спорт турига қадам қўяётганлар билан беллашса, албатта, оила бирдамлиги ғалаба қозонади.

Дарҳақиқат, оила бирдамлигини сақлаш энг қийин пайтларда ҳам жуда муҳим омилдир. Сирожиддин уч ёшида оғир дардга чалинганда, шифокорлар қаторида, ота-онаси ва ака-опалари бетинимам гамхўрлик кўрсатишди ва уни қандай бўлмасин оёққа тургазишга ҳаракат қилишди. Сирожиддин касални энгиб ўтди, лекин у асоратсиз кечмади...

Отасининг гапига қараганда, шундан кейин Сирожиддин кўпроқ ёлғизликни хуш кўра бошлади ва кўп вақт шахмат билан машғул бўлар эди.

— Бир томондан қайғурардик, иккинчи томондан эса фарзандимиз бундай юқори ақл-идрок талаб этувчи спорт турига бўлган қизиқиши бизни ҳайрон қолдирди, — дейди Савронбек ака. — Тўрт-беш ёшларида шахматнинг мураккаб қонун-қоидаларини ҳам ўзлаштирганди. Унинг бу интилишлари самара келтиришига ишонган ҳолда, 15-спорт мактабига беришга қарор қилдик.

Сирожиддин шахмат асосларини отасидан ўрганган бўлса-да, дастлабки маҳорат кўникмаларидан унга биринчи устози Эргаш Маҳидов сабоқ берди.

— Ҳақиқатан ҳам шогирдимнинг шахматга бўлган интилиши ва қолаверса, айнан ютишга ҳаракатлари мен, мураббий учун ҳам қутилмаган ҳолат эди, — дейди Эргаш Маҳидов. — Болаларда бундай қобилият аниқланганда, уларнинг тез-тез мусобақаларда қатнашишига аҳамият бермок лозим. Сирожиддин 8-9 ёшларидаёқ тур-

ли беллашуларда қатнаша бошлади. Икки-уч йил ўтгач маҳорат даражалари ошиб, спорт усталигига номзод бўлди. Албатта, шогирдимнинг бугунги эришган ютуқлари мен учун ҳам гурурли, ҳам шарафли. Сирожиддин авваламбор ҳаёт машаққатларини — жисмоний ва маънавий қийинчиликларни матонат билан энгиб ўта олгани боис ICSC таснифида жаҳон чемпиони унвонига икки мартаба сазовор бўлди. Унинг шарафига Германия ва Швейцарияда — икки мартаба юртимиз мадҳияси янгради. Бу эса бизнинг фарзандларимиз ҳам халқаро, қитъа, жаҳон ва олимпиада даражасидаги беллашуларда энг юқори чўққиларни забт этишга қодир эканидан далолат беради.

2004 йилда Сирожиддин Германиянинг Маленте шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида етти партиялик баҳсдан олти тасида устун келиб, мутахассислар ғалаба қозонади дея баҳорат қилган россиялик ва украиналик шахматчиларни доғда қолдириб чемпион бўлганди. Бу сафар Сет-Галлен (Швейцария)га кетиш олдида ҳам Сирожиддин Германия, Украина, Англия ва Латвиядан кутилаётган рақибларининг ўйин сирасорларини узоқ ўрганиб, бир неча йўналишда қарши ўйин услубларини олдиндан тайёрлади ва бу ўз самарасини берди дейишга энди ҳақлимиз. Германиялик Муча Аннегет — халқаро гроссмейстер, украиналик Тарас Овчаров билан Сирожиддин олдинги чемпионатда ҳам узоқ беллашган. Англиялик Мартин Левис ва латвиялик Томас Жанкунас ўз мамлакатларининг энг кучли шахматчилари ҳисобланади. Сирожиддин галдаги жаҳон чемпионатида 11 та партияда дона сурган бўлса, шундан тўққизтасида муваффақият қозониб, иккитасида дуранг натижага эришди. Қайбд этилган рақибларидан фақат англиялик Мартин Левис билан ўйини дуранг билан якунланди. Пировардида Сирожиддин Зайниддинов 10 та — энг кўп очко тўплаб, жаҳон чемпионати-



нинг шохсупасидан ўрин эгаллади.
— Чемпионат баҳслари осон кечгани йўқ. Лекин гап фақат ўйинда эмас, — дейди Сирожиддин. — Менга юклатилган масъулиятни ич-ичимдан ҳис қилган ҳолда ҳаяжонландим. Ҳар сафар навбатдаги мусобақага киришишдан олдин Президентимизнинг 2004 йилда менга йўллаган табриқларини ёдга олдим: «Агар одам ўз олдиға аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдаги қийинчилик ва машаққатларни ирода ва сабот билан энгиб, қатъият билан олға интилса, ҳеч шубҳасиз, кўзлаган маррасига албатта етади». Юртбошимизнинг бундай оталарча ўғитларини амалда тасдиқлашим шарт эди. Муваффақиятга эришишда кўпчиликнинг хизмати бор. Барчага — яқинларимга устоз-мураббийларимга, Параолимпия миллии уюшмасига ўз миннатдорчилигини билдириб қоламан. Эндиликда менинг мақсадим — турли мусобақаларда қатнашиб, маҳоратимни янада ошириш ва халқаро гроссмейстер даражасига эришишдир.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Маҳалламиз асосан ҳовли-жойли якка хонадонлардан ташкил топган. Биз ашайдиган уйларга туташ қурилган иккита тўрт қаватли бино ҳам маҳалламизга қарашли. Бир маҳалла бўлганимиз учун унда яшовчилар билан ҳам ака-ука, опа-сингиллардек қадрдон бўлиб кетганмиз. Яхши-ёмон кунларимизда ҳаммича биргамиз. Ҳаққон қаватли бинода яшовчи қўшниларимиз ҳам озодалиқда бизнинг оилаларимиздан қолишмайди. Қачон қарасанг йўлақлар, эшик таги супуриб-сидирилган, сув селиб, ораста қилиб қўйилган бўлади. Эрталаб туриб ҳар ким ўз йўлигини тартибга келтириб қўйиши одат тусига кирган. Қайсидир йиллар эшик олдиға расамасди билан қатор экилган турли-туман мевадиди дарактлар бугун қўкка буй чўзиб ҳосилга кирган.

Икки уй орасидаги майдончанинг бир чети гулзор. Бир томонида болалар ўйингоҳи. Енида чорқок бўлса ҳам сув ҳавзаси бор. Илик-иссиқ кунлар унинг атрофидан болалар аримайди, мириқиб чўмилишиб дам олишади. Сув ҳавзаси тоза, тартибли бўлиши учун алоҳида кузатувчи ажратилган. У

— Бир кишининг кўчи қайққа етади дейсиз отахон. Йўлагининг ораста тут, майдончага ахлат ташлама, деб неча марта айтаман хонадон эгаларига. Кўпчилик эканда. Бирни гапни қулқоқ олса, иккинчиси ларво қилмайди. Охири мен ҳам билганларини қилардим, деб индамайидиган бўлдим. Лекин тартибли оилалар ҳам анча кўп уйимизда. Бирники минта деганларидек, кейинги вақтларда улар ҳам ўзгалардан ибрат олишяпти шекилли-да.
— Холматжоннинг гапидан энсам қотиб, уни атайлаб маҳалламизга тақлиф қилдим.
— Эртага ўтаман, — деди у.
— Сўзида турди. Эртасига келди. Уни маҳалламиздаги иккита кўп қаватли уйлардаги тартиб билан таништирдим. Ҳар қалай у анча ориятли эмасми, мен билан атрофни, йўлақларни индамай кезиб чикади. Охирида:
— Мақсадингизни тушундим отахон, — деди. — Бугундан бошлаб мен ҳам уйимизда қаттиққўллик билан ана шунақа тартиб жорий этаман. Кечкурун ҳаммани йиғиб шу ҳақда кенгашиб оламиз.
Биз унинг сидқидилдан айтган бу гапига ишондик.

озор берадиган сўзларни айтмоқликдан тийилишимиз, ота-она истагини дарҳол бажо келтиришимиз лозим.
Одам табиати қизик. Гоҳи биргина сўз уйлантириб, хаёлга толдириб қўяди. Домла-нинг мана шу охири сўзи негадир айнан Қодиржон учун тааллуқидек бўлиб туюлди. Шу кунни юрса ҳам, турса ҳам ҳаёлидан шу сўз кетмади. Бирдан хотинининг ойимга дори-дармон келтириш керак деган гапи эсиға туюшди, шошилиб уйга отланди. Ҳа, у чакки иш қилганини энди тушунди. Хотини уй юмушларидан ортиб, қачон кўчага чиқадю, дорини қачон топиб келтиради. Унча онасининг аҳоли нима кечади? Бекордан бекорга ўчаклашиб ўтирмай, эринмай ўша дори-дармонларни ўзи топиб, уйига ташлаб ўтса бўлардию, ахир тағида тайёр машина бўр.
У шундай ҳаёлларда уйига келганида кўни-қўшилар безовта кўринди. Унинг ҳовлисиға кириб-чиқиб турган аёллардан бири тўсатдан Қодиржон кўзи туюшди йилғамасириб унга:
— Бандалик иним. Онангизни бериб қўйибсиз, — деб қўнғил сўраган бўлди.
Қодиржон титраб кетди. Наҳотки? Наҳот-

ГАП ЭҒАСИНИ ТОПСИН
ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

СЎНГИ ИЛТИМОС

Ҳафта сайин ҳовузни тозалаб, сувини янгилаб туради. Кечки пайт биз қўшилар ҳам унинг атрофида ўтириб гурунг кураимиз.

Яқинда бир иш билан бизга қўшни тумандаги кўп қаватли уйлардан бирида бўлдик. Йўлақлар қайсидир ташкилот ёки саксий ҳомиёлар томонидан яқингинада таъмирлангани шундоқ кўриниб турибди. Лекин у қаровсиз. Уйинқарок болалар томонидан ёзиб, чизиб ташланган. Улар орасида турли-туман битикларни учратасиз. Наҳот шу уйда, шу йўлақда яшовчилар ҳар кун неча бор зиналардан чиқиб-тушиб, бу бейхўш ёзувларга кўзи тушмаса деган хаёлга бора-сиз. Бунинг устиға йўлақлар ифлос. Билмадик, охири марта уларга қачон сугурги теккан экан. Балки биргина шу йўлақ тартибсиздир, қолганлари орастадир, деган мулоҳаза билан атайлаб ўзга йўлақларда ҳам бўлдиқ. Афсуски, уларнинг кўпчилигида ҳам шундай тартибсизлик ҳолати кўзга ташланади. Болалар майдончаси учун ажратилган жой ахлатхонага айланган. Холбуки ундан сал нарида махсус ахлатхона бор. У ерда ахлат ташлаш учун бир неча яшиқлар териб қўйилган. Эринчюқлик ҳам эви билан-да, нари борса 20 қадам узоқликда тайёр ахлатхона турса-у кичкинтойлар ўйингоҳини қўлболо ахлатхонага айлантирилишини кўрган киши афсусланади.

Эшик тағида гап сотиб ўтирган уч-тўртта аёллардан уй бошлигини (гарчи уни тани-сак-да) атайлаб сўрадик. «Охириги йўлақдаги уйда туради шекилли», деди улардан бири. Унинг исмини сўрадик. Ҳеч ким билмади. Уй бошлиғи Холматжоннинг эшигини тақиллатдик. Кўп ўтмай елкасига қўйлагини ташлаб олган майкачан Холматжон эшигини очди. Бизни кўриб бироз шошиб қолди.

— Келинг, хизмат отахон, — деди у мен билан қўшқўлаб кўриша туриб.
Унинг тақлифи билан ичкари кирдик. Сўхбат асосида уй худуди, йўлақлардаги тартибсизликлар ҳақида сўз очдик. У уялиқираб деди.

— Гулларнинг ичиди энг хидлиси қайси? — деб сўрабди бир йигит доғишманддан.
— Ота-она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, вафотидан кейин эса уларнинг номини абадийлаштирадиган, ҳаёт гули бўлиш фарзанд, — деб жавоб берибди доғишманд. Шундай азизлар, деб сўзини давом эттирди у, ота-оналаримизнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиб, доим уларнинг хизматида қойим бўлишимиз, уларнинг дилиға

ки онаси оламдан ўтган бўлса? Бундай бўлишини Қодиржон мутлақо хаёлиға келтирмаган эди. Назарида худди онаси хали узоқ яшайдигандек эди.

— У санкираб ичкариға кириши билан уйдан чиқиб келган аёли унинг елкасига осилди.
— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

— Ойижонимиздан айрилиб қолдик, ада-си.
— Юраги ўртаниб кетди. У шу топда эрталаб хотини билан бўлиб ўтган мулоқотни эслаб ич-ичидан эзилди. Назарида онасининг сўнги илтимосини ҳам бажо келтира олмагандек ҳис этди ўзини. Онаси билан рози-ризолик тилаша олмай қолганидан қаттиқ ўзинди.

Футбол

УЧРАШУВНИ МАЛАЙЗИЯЛИК ҲАҚАМ БОШҚАРАДИ

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИГА ЯХШИ МАЪЛУМКИ, 6 СЕНТЯБРДА 2010 ЙИЛДА ЖАНУБИ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА САРАЛАШ ТУРНИРИНИНГ ОСИЁ МИНТАҚАСИ IV БОСҚИЧ ГРУҲҶ БАҲСЛАРИ БОШЛАНДИ.
Жаҳон чемпионати финалида иш-тирок этишни ўз олдиға мақсад қилиб кўйган Рауф Инилеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси футболчилари шу кунни сафарда қатарлик чарм тўп усталарига қарши майдонга тушишади.
Кўни кеча Осиеё футбол конфедерацияси матбуот хизматининг тарқатган маълумотиға қараганда жаҳон чемпионати саралаш турнири IV бо-сқич баҳсларини бошқарадиган ҳакамлар номи аллақачон маълум бўлган. Шуниси эътиборлики, Қатар — Ўзбекистон терма жамоалари учрашувини малайзиялик ҳакам Субҳиддин Солиҳ бошқаради. Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Субҳиддин Солиҳ Осиеёда энг тажрибали ҳакамлар орасидан ўрин эгаллаган.

(Ўз муҳбиримиз)

Мунажжим башорати

5 АВГУСТ, СЕШАНБА
Мунажжимларимиз фикрича, бугунги кун туйғуларни ривожлантириш ва сирли олам билан боғлиқ янги билимлар олиш учун қўлай келади. Умуман олганда, куннинг энергия-ахборот таркиби текис ва атроф олам билан уйғунликда бўлади. Айниқса дарё ёки кўл бўлида ўтириб, ҳаёл сурш жуда фойдали ҳисобланади.

Барча эзгу ишлар учун ҳамда никоҳ ришталарини боғлаш учун гоёт хайрлик кун. Шу кеча-кундуз таъсири одамларда ўзининга севишга асосланган — ўз қарашлари, ўз маълумотиға, мансаби, ташқи кўриниши, ўз уйи, ўз қариндошларига мулкдаги муҳаббатга асосланган шухратпарастлик туйғуларига мойилликни туғдиради.

Орқанинг пастки қисми, буйрақлар, эндохрин тизими, айниқса ошқозон-сти бези касалликка мойил бўлади. Қон айланиши ва лимфатик безлар касалликлари хуруж қилиши эҳтимоли бор. Тана териси ҳам нозиклашган ҳолда бўлади. Шунинг учун ҳеч қандай косметик муолажаларни ўтказмаслик тавсия этилади. Оёқ-қўллар ва ошқозон-ичак йўлларида қилинган жаррохлик операциялари муваффақиятли ўтиши кутилади.

Телефонлар: 233-29-70; эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.
Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлариға еки «Тошкент почтамати»ға — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.